

Ishonch

2018-yil 16-yanvar • seshanba • №7 (3980)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Хар бир инсон эътиборда

Халқнинг турмушини фаровон қилиш, тинчлигини муҳофазалаш, соғлигини мустаҳкамлаш, бордингки, унинг барча моддий-маънавий манфаатларини таъминлаш юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мезони саналади.

2-бет



Сизлар билан фахрланамиз!

Ватан ҳимоячилари кунни яқинлаштириш билан телеканаллар орқали мен ёқтирган «Аскар» фильми намойиши бошланади. Биринчи бор уни томоша қилганимда жуда кичкина эдим. Ўша кезларда кинода аскарлар томонидан бажариладиган машқлар мени буткул ўзига махлиё қилганди.

3-бет



Мутолаа — соғлиққа фойда

Яқинда китобхонлик бўйича бир-икки маълумотни ўқиб қолдим. Буюк Британияда китоб терапевти деган касб бўлиб, бундай мутахассислар мутолаа орқали руҳий муаммолар қуршовида қолган кишиларни доволашар экан.

4-бет



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуrolли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2018 йилнинг феврал-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуrolли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервиге олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2018 йилнинг феврал-апрел ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари резервиге бўшатилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,

2018 йил 13 январ

Ш.МИРЗИЁЕВ



Қишлоқда замонавий корхона

Андижон вилояти Пахтабод тумани Уйғур қишлоғида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иxtисослашган «Бизнес эркин текстил» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Корхона очилишига бағишланган тadbирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда янги sanoat корхоналари барпо этиш, мавжудларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий қилиш, умуман, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 февралдаги

«Тadbиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-tadbirlari тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида қишлоқ марказидаги фойдаланилмай турган savdo мажмуаси «Бизнес эркин текстил» масъулияти чекланган жамиятига 2,5 миллиард сўм инвестиция киритиш, 120 янги иш ўрни яратиш шarti билан нол қийматда берилди.

Айни кунда корхонада тайёрланаётган сифатли ва бежирим трикотаж маҳсулотлари асосан ички бозорда сотилмоқда. Жорий йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб маҳсулотлар Қирғизистон ва Россия давлатларига экспорт қилиниши кўзда тутилган.

Тadbирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов сўзга чиқди.

ЎЗА

АҚШ Марказий Осиёга эътибор қаратмоқда

Америка Қўшма Штатлари Марказий Осиёда «C5+1» форматида учрашув ўтказишни режалаштирмоқда.

«C5+1» Марказий Осиёнинг беш давлати ва АҚШ ташки сие-сат маҳкамалари раҳбарларининг мулоқотини англатади. Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ташки ишлар вазири ва АҚШ Давлат котибининг ушбу форматдаги ilk учрашуви 2015 йил 1 ноябрда Са-марқандда бўлиб ўтган.

Хорижий оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабар-ларга кўра, АҚШ Давлат котиби Ёрдамчисининг биринчи ўринбо-сари Элис Уэллс «C5+1» форма-тидаги шериклиқни амалий ва са-марали деб атаган.

Авалги маъмурият томонидан йўлга қўйилган бу формат АҚШ Президенти Дональд Трамп томо-нидан ҳам тўла қўллаб-қувватлан-моқда. Давлат котибимиз Рекс Тил-лерсон Нью-Йоркда ўз ҳамкасблари билан бу доирда учрашганди. Кел-гусида Марказий Осиёда шундай уч-рашув ўтказилади. Бу лойиҳани мус-таҳкамлаш учун АҚШ Конгресси 15 миллион доллар маблаг ажратган, деган Элис Уэллс.

Унинг сўзларига кўра, Аме-рика Қўшма Штатлари Марказий Осиё бирлашаётгани ва минтақа-нинг умумий муаммоларини хал қилаётганидан хурсанд.

Ишонч билан айтиш мум-кинки, бундай натижага Ўзбеки-стон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиесий иродаси ва саъй-ҳаракатлари ту-файли эришилди.

Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастурида, Ўзбеки-стон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросими-даги нутқда Ўзбекистон барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишини таъкидлаган эди.

Бу максалат 2017—2021 йил-ларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта усту-вор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топи-ди. Чуқур ўйланган, ўзаро манфа-атли ва амалий ташки сиебат юри-тиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкам-лаш, давлат чегарасини делими-тация ва демаркация қилишни ҳал этиш каби масалалар устувор йўна-лишлар этиб белгиланди.

Ўтган киска вақтда бу борада тарихий қадамлар қўйилди. Пре-зидентимиз ilk давлат ташрифла-рини қўшни мамлакатларга амалга оширди. Қозғистон ва Қирги-зистон Президентлари давлат ташрифи билан Тошкентда бўлди. Тожикистонга олий даражадаги сафар режалаштирилмоқда. Бу Ўзбекистон ташки сиесатда яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратаётганини яққол тасдиқлади.

Шавкат Мирзиёевнинг ташаб-буси ва сиесий иродаси туфайли

минтақада ишонч даражаси сези-ларли ошди. Давлат чегаралари, сувдан фойдаланиш муаммолари, транспорт йўлақлари, savdo алоқа-лари, ҳудудлар ҳамкорлиги каби қўп-лаб масалалар бўйича ўзаро манфа-атли ечимлар топишга эришилди.

Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ас-самблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқда Ўзбекистон бу-гунги кунда ўзининг ташки сие-сатида Марказий Осиё минтақа-сига устувор аҳамият қаратаёт-ганини таъкидлади. «Марказий Осиёнинг қок марказида жойлаш-ган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига ай-ланшидан беосита манфаатдор-дир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марка-зий Осиё — биз интиладиган энг муҳим максад ва асосий вазифа-дир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўш-ничиликни мустаҳкамлашнинг катъий тарафдоридир. Биз Мар-казий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисноси барча масалалар бўйича оқилона муроcа асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз», деган эди давлатимиз раҳбари.

Давлатимиз раҳбари ташаб-буси билан 2017 йил 10-11 ноябр кунлари «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқа-рор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусида йирик халқаро конференция ўт-казилди. Конференцияда Прези-дентимиз нутқ сўзлаб, Марказий Республкаси Президенти лавозимига киришиш маросими-даги нутқда Ўзбекистон барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишини таъкидлаган эди.

Минтақамиздаги бундай ижо-бий ўзгаришларни Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп ҳам эътироф этди. 2017 йил 19 декабр кунин Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан теле-фон орқали мулоқотда АҚШ Пре-зиденти Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан яхши қўшни-лик муносабатларини ривожлан-тириш ва кооперацияни фаол-лаштиришга қаратилган, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган очик ва конструктив ташки сиебати ва фаол саъй-ҳаракатларини қўл-лаб-қувватлашини таъкидлади.

«C5+1» форматида ўтказила-диган навбатдаги учрашув Мар-казий Осиё давлатлари ва АҚШ ҳамкорлигини янада мустаҳкам-лашга хизмат қиладди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Эътиром

Тошкент вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бир-лашмаси томонидан Ватан ҳимоячилари кунин муноса-бати билан қўллаб қайрли ишлар амалга оширилди.

Муқаддас бурч

Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари — юрт тинчлиги ва хавфсизлигининг қайғолитидири» манусида Маънавият соти ўтқа-зилди.

Шунингдек, байрам муносабати билан Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшилари Н-ҳарбий юсми ҳамда Бекобод шаҳри, Охангарон, Янгийўла, Бўстонлик, Тошкент ту-маларидаги бир қатор ҳарбий қисмларда ёзувчи-шонрлар, санъат-корлар, фахрийлар иштирокида ма-даний-маърифий тadbirlar ташкил этилди.

Мустақиллиқни ҳимоя қилишда ҳалок бўлган беқободлик мард ўғлон, чегарачи Илхомжон Ибраги-мовнинг хотираси ёд этилиб, ҳона-донин, таҳсил олган мактабига бо-рилди. Тумандаги пелтоғонка колле-жода ёшларга «Жасоратлик ва мардлик» дарслари ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги билан ҳам-корликда Қўни Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» тўйхонасида байрам дас-турхони ёзилди. Ҳалок бўлган ҳар-бий хизматчилар оила-аъзолари иштирокида маданй-маърифий тadbир уюштирилиб, уларга бир-лашма кенгашининг эсдалик совга-лари топширилди.

Ўз муҳбиримиз

Муносабат

Мунаввар келажак шабадалари

Қисқа вақт мобайнида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаб-буси ва раҳбарлигида шу қадар кўп тарихий воқеалар рўй бердики, улар мамлакатимизнинг яқин бир неча йил ичида жаҳоннинг тараққий этган давлатларига етиб олиши ва халқимизнинг янада фаровон яша-шига катта ишонч уйғотди.

Олий Мажлисга йўлланган ва яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган оламшумул ислохотлар ва ре-жалар ўз ифодасини топган Мурожаатнома давлат аппаратини бошқарув ва ижро орган-ларини истиқболли амалий ишларга сафарбар қилиш амалиётида янги раҳбарлик усули си-фатида эътироф этилди. Наинки, ер ости ва ер усти бойликлари ўзига хизмат қила бош-лаган, халқининг ижодкорлик ва бунёдкор-лик салоҳияти катта бўлган Ўзбекистон энди-ликда жаҳоннинг пешқадам мамлакатлари ка-торидан ўрин олишга ҳақлигина эмас, балки бунга эришиши шарт ҳамдир. Президентимиз ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда жа-мият олдида, халқ олдида аниқ амалий масала-ларни хал қилиш вазифасини қўйди. Мамла-катимизни иқтисодий, ижтимоий ва маданй ривожлантириш стратегияси марказида эса илм-фан масаласи туради.

Ҳеч кимга сир эмаски, хар бир жамият-нинг тараққиёт стратегияси қўллаб соҳа олим-ларининг тавсиялари асосида ишлаб чиқилган. Қайси жамият ва қайси даврда олимларнинг тах-лилий фикрлари ва илмий фаразлари эътиборга олинган бўлса, шу жамият ва шу даврда ўсиш ва тараққиёт мисли кўрилмаган даражада юқори бўлган. Давлатимиз раҳбарининг фикрича, янги тараққиёт босқичига чиқишнинг бирдан-бир қал-тити, бу илм-фандир. Шунинг учун ҳам кейинги

пайтларда илм-фанга, ўзбек фанининг бешиги — Ўзбекистон Фанлар академиясига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Анчадан бери бўл-маган, аммо яқинда академияга бўлиб ўтган сай-ловлар бу фикрнинг ёркин исботидир.

Шу сайловда академиянинг ҳақиқий аъзоли-гига сайланган олимлардан бири сифатида шуни айтишим мумкинки, «академик» унвони мен учун беҳад даражада катта масъулиятдир. Мен бу масъулиятнинг оғирлигини сўнгги йилларда Фанлар академиясида ташкил этилган янги ил-мий марказлар фаолияти билан танишган чоғла-римда, айниқса, сездим.

2018 йил «Фаол тadbиркорлик, инновацион гоълар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилинди. Янги инновацион гоълар ва технологиялар ҳақидаги тасавури-миз равшанлик касб этиши учун биз, янги аъ-золарни бир қанча илмий марказларга тақлиф этишди. Шундай марказлардан бири Геномика ва биоинформатика марказидир. Бу марказ 2012 йили Фанлар академиясининг Генетика ва ўсим-ликлар экспериментал биологияси институти қошидаги геномни технологиялар маркази не-гизда ташкил этилган. Бу марказда олиб бо-риладиган илмий изланишлар йўналиши билан танишишдан аввал Ўзбекистон бозорларида со-тиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига на-зар ташласак.

Мана, помидор ва бодирнлар, картошка ва

Мунаввар келажак шабадалари

«1

Республикамызда янги ташкил этилган бундай марказларда олиб борилаётган илмий изланишлар туфайли нафақат қишлоқ хўжалиги, балки саноати, техникаси ва бошқа соҳаларнинг ҳам камол топиши, шубҳасиздир.

Ўзбекистон илм-фани, иқтисодиёти ва саноатида келажакдаги жараёнлар, уларга кириб келаётган янги инновацион ғоялар ва технологияларнинг порлок истиқболлини кўз олдимга келтирар эканман, ўзбек маданиятининг ҳам ана шу таракқиёт карвонидан ортда қолмаслиги ҳақида мушоҳадага берилдим. Ўзбек адабиёти ва санъати XX асрда бир қанча буюк ёзувчиларни, театр, кино, музика ва тасвирий санъат арбобларини ештириб берди. Замонавий ўзбек адабиёти намоёндалари мумтоз устозлари ўқиса, уялмайдингиз, ҳатто уларга ҳам манзур бўладиган асарларини яратиб, миллий адабиётимизни жаҳон адабиёти тажрибалири билан, тур ва жанрлари билан бойитдилар. XX асрда профессионал ўзбек киноси, театри, реалистик тасвирий санъати туғилди. Мумтоз ўзбек музикаси янги замонавий мусликий ғоялар ва мавзулар билан бойиди. Бу адабиёт ва санъат жаҳон адабиёти ва санъати ютуқларидан баҳраманд бўлган ҳолда, миллий ўзанда ривожланишда давом этиши учун адабиётшунослик, тилшунослик, санъатшунослик сингари фанлар ҳам ривожланиши, бу фанларга ҳам янги ғоялар кириб келиши зарур.

Назаримда, ижтимоий-гуманитар фанлар олдида тур-

ган муҳим вазифалардан бири, аввало, шу вақтга қадар яратилган маданий меросни тўплаб, нашр этиш ва тадқиқ этишдир. Ўзбек фольклоршунослари бу ишни аллақачон бошлаб, 100 йиллик «Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари» антологиясини нашр этишга киришганлар. Адабиётшунослар ҳам 100 йиллик «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти дурдоналари»ни яратиш устида ишламоқдалар. Худди шундай ёки шу йўналишдаги ишлар кино, театр, музика ва тасвирий санъат бўйича ҳам амалга оширилса, ўзбек халқининг жаҳон маданияти хазинасига қўшган ҳиссаси моддий кўриниш олган ва биздан авлодларга қолдириладиган том маънодаги маданий мерос бўлур эди.

Бундай мероснинг яратилиши унинг мутахассислар томонидан ўрганилиши, тадқиқ этилиши ва айримлари асосида янги санъат асарларининг майдонга келишига имконият берган бўларди.

Мустақиллик даври тарихининг янги босқичида халқимизнинг характери ҳам, дунёқараши ҳам, жамият ҳаётидаги ўрни ҳам ўзгариб бормоқда. Бу халқ яқин йиллар мобайнида маданий қиёфаси ва феъл-атвори билан ҳам бошқа халқлардан ажралиб туражак. Халқимизнинг шундай даражага эришиши учун, аввало, ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериш тақозо этилади.

Ҳар бир жамият ёш авлодни юксак идеаллар асосида тарбиялашни лозим деб билади. Аммо

ҳамма гап шу идеалнинг қандайлигида. Шукрки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди сингари давлат арбоблари ва саркардалар, Беруний, Фарғоний, Нақшбанд сингари дунёвий ва диний тафаккур даргаларига ҳайкаллар ўрнатилди. Уларга бағишланган адабиёт ва санъат асарлари яратилди. Улар ёш авлодлар учун идеал шахслар, идеал қаҳрамонлар бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўйлаймизки, ёшлар яқин йиллар ичида Бехбудий, Мунаввар қори сингари жаҳидлар, Абдулла Қодирий, Фитрат, Қўлпон, Ойбек сингари адаблар, Маннон Уйғур, Қори Ёқубов, Абдор Ҳидоят сингари санъаткорлар, Ҳабиб Абдуллаев сингари олимлардан ибрат олишга, улар бошлаган улугвор ишларни давом эттиришга интиладилар. Уларнинг бу каби машғур фидойи сиймоларининг кашф этилишида адабиёт ва санъат намоёндалари ёрдамга келиши шарт ва бу уларнинг фуқаролик бурчи ҳамдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янги йил табригида айтганидек, «Биз буюк келажакимизни айнан мана шундай юксак мақсад ва ғоялар асосида барпо этамиз... Шу маънода 2018 йил Ўзбекистон тараққиётида ҳал қилувчи йил бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор».

Наим КАРИМОВ,
Ўз ФА академиги

Худудлар бўйлаб

Аскарлар ҳузурида

Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши фаоллари Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Шимоли-ғарбий ҳарбий округда бўлишди.

Бу ерда ташкил этилган маданий-маърифий тадбирда сўзга чиққанлар худудларимиз яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлигини ҳимоялашда мардлик ва жасорат кўрсатаётган ҳарбий хизматчиларимизга таҳсин айтишди. Санъаткорларнинг чиқишлари

барчага кўтаринкилик бағишлади.

Тадбирда бир гуруҳ Ватан ҳимоячиларига бирлашма кенгашининг совғалари топширилди.

Зинатдин ЕСЕНБАЕВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Нукус шаҳар кенгаши раиси

Барқарор ва осуда ҳаёт тантанаси

Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 26 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни Андижонда кўтаринки руҳда нишонланди.

Президентимизнинг Фармонига кўра байрам муносабати билан тақдирланган бир гуруҳ соҳа вакилларига мукофотларни Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Абдурахмонов ҳамда Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири Рустам Жўраев топширди. Шунингдек, Мулоффа вазирлиги томонидан ташкил этилган танловнинг турли номинацияларида ғолиб чиққан ҳарбий қисмлар, бўлим ва хизматчилар тақдирланди. Маросимда вилоят мулоффа ишлари бошқармаси ҳамда туман бўлимларида хизмат автомашиналари берилди.

Тадбирлар доирасида вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида «Миллий армиямиз ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир» шиори остида югуриш марафони ўтказилди. Андижон гарнизонида

жойлашган ҳарбий қисм хизматчилари, мулоффага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти мактабининг тингловчилари, талаба ва ўқувчилар иштирок этган беллашув ғолиблари бирлашма томонидан қимматбаҳо тухфалар билан тақдирланди.

Анъанага кўра, вилоят мулоффа ишлари бошқармаси ҳамда қасаба уюшмалари, Ёшлар иттифоқи фаоллари хизмат бурчини адо этиш чоғида халок бўлган 11 нафар ҳарбийнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олдилар. Мард ўғлонларнинг она юрт тинчлиги йўлидаги хизматлари, мукаддас хотираси ҳеч қачон унутилмаслиги таъкидланди. Уларнинг оилаларига манзилли ёрдам, совға-саломлар топширилди.

Нурилло НЎҲОМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ватанга хизмат қилмоқ бир умрлик қасамёдимиздир

Наманган вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган «Аскар оналарини шарафлаймиз!» тадбирида Ватан хизматига мўносиб ўғлон тарбиялаган оналар, аскарлар ва бир қанча жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Учрашувда аскар оналарига қасаба уюшмаси совғалари топширилиб, самимий дил сўзлари айтилди, куй-қўшиқлар армуғон этилди.

— Мен ҳам ўғлимни армияга жўнатганман, — дейди Асила Холмирзаева. — Бугун аскар йигитларнинг ўзини тутиши, хизмат жараёнидаги шайоқларни қувон

ниб сўзлашини кўриб, кўнглим фаҳрга тўлди. Илоҳим, юртга қалқон фарзандларимиз соғ-омон бўлишсин!

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари З.Маҳкамова иштирок этди.

Дилдора РАҲМОМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармоннинг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш юзасидан Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тадбир ташкил этилди.

Узайтирилган дам олиш кунлари

Унда фармондан келиб чиқиб, 2018 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш ва дам олиш, байрам кунларидан оқилона фойдаланиши, шунингдек, ички туризмни янада ривожлантириш масалалари хусусида сўз юритилди.

— Йил давомидаги иш ва дам олиш кунларини олдиндан режалаштириш амалиёти Ўзбекистонда илк маротаба қўлланилмоқда. Аслида, бундай амалиёт хорижий давлатларда кенг тарқалган, — дейди тармоқ қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов. — Авваллари маълум бир байрамга 2-3 кун қолганда дам олиш кунларининг кўчирилиши белгиланар, бунинг натижасида иш ҳақи ёки иш вақтини ҳисоблаш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқар, ишлаб чиқаришдаги айрим масалалар очик қилиб кетар, унинг ижросини қисқа фурсатда амалга ошириш қийинчиликларини келтириб чиқарарди. Амалга кириштирилган механизм эса мазкур муаммоларни бартараф этади.

Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Сўлаймон ҲАЙДАРОВ,
«Ishonch» мухбири

Қарор ва ижро

Ҳар бир инсон эътиборда

Халқнинг турмушини фаровон қилиш, тинчлигини муҳофазалаш, соғлигини мустаҳкамлаш, бордини, унинг барча моддий-маънавий манфаатларини таъминлаш юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мезони саналади. Айниқса, мамлакатимизда ўтган йилнинг халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини таъминлашга бағишланганлиги ушбу йўналишдаги ишларни янада жонлантирди. Янаям аниқроқ айтилган бўлса, жамиятимизнинг эътижманд қатламларини қўллаб-қувватлаш борасида амалий ишлар кишилар руҳиятида кўтаринкилик, қалбда чексиз қувонч уйғотди.

Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Сирғали туман ҳокимиятида ўтказилган тадбир ҳам шу йўналишдаги ишларнинг амалий давоми бўлди. Тадбир аввалида мутасадди ташкилот вакиллари мамлакатимизда аҳоли ҳаётини яхшилаш, турмушини фаровонлаштириш борасида олиб борилаётган хайрли ишлар хусусида тўхталди.

Шундан сўнг тумандаги 111 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакилларида чангиттич, газ ва газ-электр плиталари, кир ювиш машиналари каби маиший техника воситалари совға қилинди.

— Фурсатдан фойдаланиб мамлакатимиз раҳбарига, ташкилотчиларга чексиз миннатдорлигини билдираман. Айтиш жоизки, охириги йилларда ҳамюртларимиз давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликни чинакамига ҳис қилишди, амалда ижросини кўришди, — дейди «Чароғон» МФЙда яшовчи уй бекаси Жамила Юлдашева. — Менга берилган кир ювиш



машинаси рўзгор юмушларини енгиллаштирадиган бўлди. Қувончимизнинг чеки йўқ. Шундай хайрли ишларга бош-қош бўлаётганларга минг раҳмат!

Таъкидлаш ўринлики, бу каби тадбирлар Президентимизнинг «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан бирлашма кенгаши томонидан пойтахтимизнинг барча туманларида ташкил этилмоқда.

Беғараз ёрдам — эътибордан баҳраманд бўлган аёлларнинг юзидан табассум, руҳидаги кўтаринкилик, қалбдаги хурсандчиликни сўз билан ифодалаш қийин.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Қасаба уюшмалари Федерацияси ва Шайхонтоҳур туман ҳокимияти ҳамкорлигида ўтказилган тадбир эътижманд инсонларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий аҳоли ва маиший шароитларини яхшилаш имконини берди.

Тадбирда туманда истиқомат қилаётган 111 нафар эътижманд, боқувчисини йўқотган оилалар вакиллари қўндалик турмушда зарур бўладиган маиший техника жиҳозлари, хусусан, газ плитаси, кир ювиш машинаси, кичик печ, чангиттич билан таъминланди.

— Президентимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар менинг ҳаётимда ҳам ўз аксини топмоқда, — дейди «Қаттабоғ» маҳалласида яшовчи Муяссар Юнусова. — Эътижманд оиламиз. Икки нафар фарзандим бор. Истаёманки, эзу ишларнинг бошида турганлар ҳамнасаб бўлсин.

— Ўзим ҳам, турмуш ўртоғим ҳам иккинчи гуруҳ ногиронимиз. Тўртта фарзандимиз бор. Эътибордан хурсандимиз. Ватанимиз истиқболли учун қўлимиздан келганча меҳнат қиламиз, — дейди «Янги Камолон» маҳалласидан Олимжон Назимов.

Бу каби тадбир Бектемир туманида ҳам ўтказилиб, 111 нафар эътижманд, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга маиший техника жиҳозлари топширилди.

Тадбирда йиғилганлар эътижманд оилаларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор учун Давлатимиз раҳбарига чексиз миннатдорлигини изҳор этишди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

«Ислом Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола» кўрик-танловига

Миллий давлатчилик

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирига келиб, зўравонликка асосланган қизил империя чок-чокидан сўкила бошлади. Масалала ҳолисона ёндашилса, сиёсий раҳбарнинг ҳам, юртимизнинг тўлақонли қиёфаси ҳам, халқимизнинг хоҳиш-иродаси ҳамда мақсад ва вазифалари ҳам, ташвиш-изтироблари, қўйинги, ҳамма-ҳаммаси кўз ўнгимизда кино тасмасидай яққол гавдаланади.

Ўта мураккаб ва зиддиятлар қучайган бир пайтда республика раҳбарлигига келган Ислом Каримов: «Биз бундан бўён эскича яшолмаймиз, бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди». «Жамиятнинг янгиланган учун қурашаётган барча соғлом қучларни бириктириш зарур», дея ўзининг қатъий позициясини ошқор қилиб, масалала рўй-рост ойдинлик қиритди.

Зеро, мустақиллик йўли — ҳақиқат ва эзулик йўли, инсон ҳақ-хуқуқлари тенглиги йўли, маънавий баркамоллик ва юксак маданият йўли, бир сўз билан айтганда, бой инсоний ғазаллар мазмунидир. Шунинг учун ҳам 1989 — 1991 йилларда Ислом Каримов ўз талғатини йўлининг тўғрилигига миллионлаб юртдошларимизни ишонтира олди.

Ва нисбат, Аллоҳнинг инояти билан она заминимизда халқимизнинг асрий орузи бўлган истиқлол шабадалари эса бошлади. Моҳир, узокни қўзлаган сийсатчи, албатта аниқ режа ва кенг қўламли дастур — навадор ислохотчи сифатида намоён бўлган, энг муҳими, мустабид даврда Ўзбекистон ССРининг яхлит бошқаруви — Президентлик институтини ташкил қилган Ислом Каримовнинг буюк сазой-ҳаракатлари ўз ижобатини топди. Агар 1990 йил 24

мартда Президентликка Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Олий Кенгашида сайланган бўлса, 1991 йил 29 декабрда мустақил давлат ахли томонидан муҳолифат сайловлари асосида катта устунлик билан жула кўп овоз олиб (89,2 фоиз), Биринчи Президент мақомига эга бўлди, миллий давлатчиликка асос солди.

«Ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлган?» деган саволга 1992 йил 8 декабрда Буюк Йўлбошчимиз шундай жавоб берган эди: «Нима эмиш, Ўзбекистон XX асрнинг 20-йилларида, аниқроғи, 1924 йили давлат мақомига олган эмиш. Биз шу гапга ишонганимиз керакми? Мақаниш эмас, янгидан шаклланаётган ўзбек давлатчилиги бошида турган инсон сифатида айтишга ҳаққим бор, керак бўлса, бу иш учун жонимни, борлигимни беришга тайёрман». Энди, шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг мана бу сўзларига эътиборингизни тортмоқчиман: «Энг мўътабар, қадимги қўлёмиз «Авестонинг яратилганга 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждоқларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» аини замонада бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан ғувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди».

Биринчи Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қабул қилинган Асосий қонунимиз — Конституцияда миллий давлатчилик замонавий тарзда ўз аксини топди.

«Халқ қонунларга эътиж сезган ҳолда уни чуқур ўрганиши зарур. Чунки, улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда, қонундан қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди», деган эди Афлотун. Бу фикр ҳозирги кунда ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ. Мамлакатимизда мустақиллик қўлга киритилган вақтдан бошлаб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини қуриш йўлини танлаб олган ҳолда мазкур йўналишнинг ҳуқуқий асосини яратиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш борасида катта ишлар бўлиб бормоқда. Бошқача айтганда, бундай ёндашув миллий давлатчилик сийсатининг асосий вазифасига айланди.

Мустақиллиқнинг дастлабки кунлариданоқ давлатни ривожлантириш, фуқароларни ҳуқуқий жонатдан ҳимоя қилиш юзасидан қўллаб ишлар амалга оширилди. Асосий қонунимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланди. Унинг 43-моддасида: «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди», дейилади. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг бундай юксак меъёрга белгиланиши 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси» ғояларига тўла мос келади.

Асосий қонунимизнинг жаҳон андозасига тўғри келишининг ўзи катта воқелик бўлиб, юртимизнинг истиқлолга эришгани қанчалик улкан сиёсий воқелик бўлса, энди унинг тараққиётида Конституция ҳам шу қадар муҳим ўрин тутди.

Ҳар бир жамият юксак тараққиётга эришиш учун мустақил бўлиши ҳамда миллий давлатчиликнинг ҳақиқий демократик жараёнларини вужудга келтириши зарур. Бинобарин, давлатнинг демократик тамойиллари универсал ҳолат бўлиб, АҚШ, Россия, Хитой ёки Германияда қандай бўлса, бизда ҳам шундай бўлиши керак, деган тушунча бутунлай нотўғридир. Яъни, уни вужудга келтирадиган, шакллантирадиган ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий, тарихий-ҳуқуқий, географик, геостратегик шарт-шароитлар турли халқлар ва давлатларда турли даражада ривожланиш жараёنларини бошидан кечиришни унутмаслик керак. Бунда миллат руҳияти ва аҳолининг ривожланиш негизи муҳим аҳамият касб этади.

Миллий давлатчиликнинг демократик принциплари Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва оғишмай амалга оширилмоқда. «Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий ҳонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизни умумэтироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик». Буюк Йўлбошчимизнинг ушбу сўзлари кеча-ю кундуз уйғок қалбларимизда акс садо бериб турибди.

Қайси давлат ва унинг раҳбари халқини чин дилдан эъзозласа, адолат тамойиллари асосида бошқарса, тараққиётнинг кўп асрлар орзу қилинган таянч нуқтаси вужудга келади. Шу жиҳатдан Ислом Каримов таълимоти-

Юрт корига яраш — бахт, Мустақил диёрда яшаш — бахт!



Ватан ҳимоячилари куни яқинлашиши билан телеканаллар орқали мен ёқтирган «Аскар» фильми намойиши бошланади. Биринчи бор уни томоша қилганимда жуда кичкина эдим. Ўша кезларда кинода аскарлар томонидан бажариладиган машқлар мени буткул ўзига маҳлиё қилганди. Ростини айтсам, улар билан барабар ҳаракатланардим ҳам. Бир марта эҳтиётсизлигим туфайли пешонамни ғурра қилиб олганим ёдимда. Онам роса койиганди. Шунга қарамай, мен севган машқларим билан шўғулланишдан қайтмасдим. Дадам эса «аскар қизим» деб эркаларди. Чақирса, қўлимни аскарларникига ўхшатиб чаккамга тираб, «лаббай, командир», «хўп бўлади, командир», дейишдан чарчамасдим.

Сизлар билан фахрланамиз!

Бу кизкишларим ортидан кўкарган дарахтларнинг шоҳлари ҳам қолмасди. Каскалари ва устларига кийиб оладиган, ер рангига кириб олиш учун тикилган махсус кийимлари бор-ку, ўшаларни дарахтлардан қилиб олишган деган болаларча ҳаёл билан мен ҳам новдаларга бурканиб олардим. Бундай «аскарлик» машқларим бир неча йил давом этган.

Август ойида бир дўстимнинг касамёдига бордим. Ҳа, оддий аскар Йўлчиев, омонмисиз, деб сўрашдим (бунни ўша филмдаги генерал амакидан ўрганиб олганман). У билан суҳбатлашиб кетарканмиз, ҳимоячиларнинг чиникиш майдонига бориб қолганимиз. Кенг майдон. Атроф кинодагидек машқ қилиш анжомлари-ю жиҳозларига тўла. Бир зум «аскарлик кезларим»га қайтдим. Қани энди қулай кийимда бўлсам, ҳаммасидан фойдаланиб кўрсам, деган ҳаёл ҳам ўтди. У ерда баҳайбат ва оғир танкдан бошлаб, тағидан судралиб ўтиш учун мўлжалланган баллонларгача бор эди.

Қасамёд бошланди. Аскарлар ипга терилган маржон шодаларидек бир хил кийимда «Кора кўз бўй-бўй»ни айтиб сафланди. Бир аскар ўртага чиқди-да, касамёдни ўқий бошлади. Сўнг ортга қайтиб қўлидаги автоматни ўйнатганча жойига турди. Шу тарика давом этган бу «жонли кино» менга катта завқ берди. Жуссам кичик бўлганлиги сабабли одамлар орасидан олдинга ўтиб олдим. Бир

пайт ортимда турган ота-оналар, ака-укалар, қизларнинг гап-сўзлари диққатимни тортди. «Ана, далдангни кўрдингми, ўғлим, сен ҳам катта бўлсанг аскар бўласанми?» — дерди ёнимдаги каттагина болани кўтариб олган аёл. Сал нарироқда бир киз: «Фалончи акам ҳам аскар бўлди. Дадам энди тўйимизга рози бўлади, ўртоқ», — дея дугонасини туртарди. Ватан посбонлари эса бор овози билан касамёд қабул қилишда давом этардилар. Шу пайт бирдан менинг ҳам ўртага чиқиб, баралла Ватанимга хизмат қиламан, деб хайқиргим келди.

Маросим якунига етиб, ортга қайтар эканман, машқ майдонини яна бир кўргим келди. Кенг майдонни қайтадан кўздан кечирдим. Бу сафар, негадир, юрагим денгиз тўлкинидай ҳапқириб кетди. Нега бундай бўлди, ханузгача аниқ жавоб топа олмадим. Балки болалик хотираларим билан овора бўлиб қолгандирман, яна билмадим.

Бу воқеадан ўзимча, мард ҳимоячиларимиз сарҳалларни кўриқлар экан, ганимлар юртимиз ерларига ёмон ният билан кириб келиш у ёқда турсин, хатто гараз ният билан қарашга ҳам ботина олишмайди, деган хулоса чиқардим. Шунинг учун бир менинг эмас, бутун Ўзбекистон ахлининг юраги текис ва тинч урмоқда.

Хуршидаҳон АЪЗАМЖОНОВА,
Анджон давлат
университети талабаси

«Ҳасанмерган»лик разведкачи

ёхуд дунёни лол қолдираётган ўзбек йигити

«Курашда ғолиб бўлиш руҳи кучли томонда», деган фикрга қўшим тушди бир китобда. Демак, кучлининг руҳи ҳам шунга яраша бўлади, деган маънони ўқдим ўндан. Буюк Британиянинг Брэкон шахрида қўшин разведкачилари ўртасида ўтказилган «Кембрия патрули» халқаро танловида 2-ўринни эгаллаган ҳамюртларимиздан бири — капитан Махаматсоли Дўстқулов билан суҳбатимиз давомида шу ҳақиқатга яна бир қарра амин бўлдим. Аслида, шундай нуфузли танловда муносиб иштирок этишнинг ўзи катта гап. Унга берган илк саволим мусобақа шартларини бажариш жараёнига оид бўлди.

— «Кембрия патрули» халқаро танловида илк бор иштирок этишимиз бизга қайсидир маънода снгиллик яратди, деб ўйлашнгиз мумкин. Чунки одатда бахсларда биринчи марта қатнашувчилардан у қадар юқори натижалар кутилмайди. Лекин биз, жамоамиз билан ўз олдимизга танловда шунчаки томошабин ёки ўрганувчи вазифасида иштирок этишни мақсад қилиб қўймадик. Тўғри, худуд, иқлим, шарт-шароит биз учун янги ва нотаниш эди. Лекин профессионал ҳарбий хизматчи ҳамма нарсга тайёр бўлиши керак. Навигация воситаларисиз тоғлар бўйлаб 25 кило юк билан 65 километрик масофани босиб ўтдик. Йўл маршрутчимизнинг кўп қисми ботқоқлик ва ўрмон эди. Марш давомида 1000 метрик баландлик ва 750 метрик пастликлардан, сув тўсиқларидан ўтдик. Шу билан бирга, худуд разведкасини олиб бориш, шартли душман жойлашган худудни аниқлаш ва уларни йўқ қилиш бўйича ўқув-жанговар операцияларни амалга ошириш машқларини бажардик.

— Жорий йилда Россиянинг Новосибирск шаҳрида бўлиб ўтган III Халқаро армия ўйинлари дастуридан ўрин олган «Қўшин разведкаси аълочилари» танловида учинчи ўринни эгалладингизлар. Танловлар ўрта-

сида фарқ ва мураккабликлар ҳусусида нима дейсиз?

— Асосий фарқ шундаки, Россияда кечган танловнинг ҳар бир шарти алоҳида-алоҳида, яъни қўнларга тақсимланган ҳолда бажарилиди. Бу эса, ўз навбатида, нафасини ростлаш, қисқача бўлса-да, тахлил ўтказиш ва ҳаракатларни режалаштириш имконини берди. Кембрия тоғларидаги вазият эса мутлақо ўзгача эди. Марш ва қўшимча машғулотлар учун 48 соат вақт берилган. Барча воқеалар шу муддат ичида рўй берди. Ностандарт қарорлар қабул қилиш, бутун куч ва билимини сафарбар этиш учун идеал муҳит. Танлов шартлари базис жамоалар учун мураккаблик қилганини уларнинг мусобакани эртароқ тарқ этганидан ҳам билса бўлади. Биз учун сув билан боғлиқ тўсиқлар бироз бўлса-да ноқулай бўлди. Танлов давомида ўз устимизда кўпроқ ишлашимиз керак бўлган жиҳатларни аниқлаб олдик. Шартли душман билан тўқнашувлар ҳақиқий жанговар шартотта жуда яқинлаштирилган ҳолда ўтказилди. Тўғри, юртимизда турли машғулотлар олиб борилишида бунга алоҳида эътибор қаратилди. Бирок аҳамият бериш лозим бўлган йўналишларимиз ҳам бор.

— Танлов якунидаги совриндорларни тақдирлаш тадбирларида, қалаверса, Ватанга қайтганда кўнгилдан қандай кечинмалар ўтди?

— Энг аввало, чексиз фахр тўғриси. Танлов шартларини бажаришдаги толиқиш, жисмоний ва руҳий чарқок... барчаси байроғимиз ҳиллашади, мадҳиямиз янграши биланоқ унутилди. Ватан шаънини муносиб ҳимоя қила олдим, Ўзбекистон ҳарбий хизматчисини ималарга қодир эканлигини намойиш этдим, деб ўйладим.

— Жисмоний тайёргарлик — муҳим жиҳат. Аммо руҳан тайёр бўлишда ҳам гап кўп. Шундай эмасми?

— Тўғри. Жамоадорларим билан бунга алоҳида эътибор қаратдик. Россиядаги танловда ўз имкониятла-

римизга бўлган ишонч ҳисси анча ошган эди. Мудофаа вазирлиги тизимида турли йўналишлардаги мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келганмиз. Бирок халқаро таърибнинг ўрни бошқа. Бундай танловларга тайёргарлик ҳам, ёндашув ҳам ўзгача. Ўзим билган нарсга яна бир бор амин бўлдим. Мамлакатимиз ҳар жабада, шу жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлиги борасида ҳам дунёнинг етакчи давлатлари билан беллаша олади.

— Мавзудан бир оз четлашсак. Ҳарбийлик касбини танлашнингизга ундаган сабаб ҳақида суҳбатлашсак.

— Аниқ сабаб келтиролмайман. Маҳалламиздаги ҳарбий хизматчиларга доим ҳавас билан қарардим. Кейинчалик ҳарбий лицейда ўқидим. Муддатли ҳарбий хизматни ўтадим. Курсантлик даври... Баъзан шундай бўлади. Бир нима ёқтириб қоласиз-у, бу айнан қачон рўй берганини билмайсиз. Ҳарбий касб ҳам мен учун шундай.

— Оиладаги фарзандларнинг барчаси бир касбга қизиқиши кам учрайдиган ҳолат. Масалан, сизларда бир укангиз офицер. Бир курсант. Қолган иккиси ҳам ҳарбий бўлмоқчи. Балки бундай танловда ота-она ёки бош фарзанднинг таъсири бордир?

— Ҳамманинг ихтиёри ўз қўлида. Биз, катталарнинг вазифаси — тўғри ва ҳолис йўл-йўрик кўрсатиш. Мен ўзим

қарор қабул қилганман ва бундан афсусланмайман. Укаларимга ҳам эркак киши мулоҳаза билан иш тутиши ва қарорида қатъий бўлиши кераклигини ўқитганман. Тақдир экан, улар билан ҳамкасбмиз. Очиги, ака сифатида бундан хурсандман ва улар билан фахрланаман. Россияда ҳам, Буюк Британияда ҳам эътироф этилганимизда оила аъзоларимнинг қўллашгани тасаввур қилдим. Бекниёс ҳис.

Разведкачиларимизни тантанали равишда аэропортда қутиб олиш ва тақдирлаш тадбирларида қатнашгандим. Унда суҳбатдошимнинг онаси ва турмуш ўртоғи, жажжи ўғлини кўрдим. Оилани суратга ҳам туширдим. Шунда ҳаёлимдан бир ўй ўтди. Бундан бир неча йиллар олдин, Махаматсолик ака ўғли Махаматсоли дунёга келганда қанчалар қувонгани ва унинг истикболига кўз тиккани аниқ. Бутун шу фарзанд оила, жамоа, халқ ишончини оқламоқда. Халқаро майдонларда Ватан шаънини ҳимоя қилмоқда. Марду майдонларни дунёга келтириб, воёга етказган онанинг юзига қараб тўймайсиз, киши. Унда бари — фахр туғур ҳам, меҳру муҳаббат ҳам, мустақкам ишонч ҳам, мустақоб дуолардан масрурлик ҳам, эгзу тилақлар ҳам мумжасам. Ҳа, фарзанд қамолти — бахт. Юрт қорига яраш — бахт, Мустақил диёрда яшаш — бахт.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ

Тахририятдан: Президентимизнинг 2018 йил 12 январдаги «Ватан ҳимоячилари қуни ва Ўзбекистон Республикаси Қўрол Кучларининг 26 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гурӯҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони билан Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм вазоди гурӯҳ командири Махаматсоли Дўстқулов ҳам «Жасорат» медали билан тақдирланди. Ўшбу юксак мукофот билан Махаматсоли Дўстқуловни «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси ҳамда кўпминг сонли муштарийларимиз номидан муборакбод этамиз.

бунёдкори

нинг ноёблигини эътироф этмай сира иложимиз йўқ.

Шубҳасиз, миллий давлатчилигимизнинг энг асосий тамойили, бу қонун устуворлиги ва ижодкорлиги таъминланганлигида кўзга ташланади. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари умумжаҳурий бўлишини таъминлашда ҳуқуқий давлат асоси — ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципи муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, давлат ҳокимияти турли органларнинг ваколатлари бўлинишига кўра инсон ҳуқуқларининг институционал қафолатларини яратди.

Биринчи Президентимиз қайд этишчи: «Ўзбекистон Республикаси миллий давлат қурилмасида ҳокимият учга ажратилади — қонунийлик, ижрочилик ва суд ҳокимиятига». Бу фикр Конституциянинг 11-моддасида ҳам ўз аксини топган: «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланади». Ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг мавжуд бўлиши туфайли давлат ҳокимияти тизимида ҳокимият органлари бир-бирини мувозанатда сақлаб туриш ва назорат қилишга йўл очиб берадиган ва бир шахс ёки орган қўлида ҳокимиятнинг тўпланишига имкон бермайдиган ўзаро муносабатлар тартиби ўрнатилди.

Миллий давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари — пировард натижада Ўзбекистонда янги ва адолатли фуқаролик жами-

яти барпо этишга қаратилган бўлиб, айнан шунга монанд ва мос равишда демократиянинг мурасачилик ва яқдиллик маданияти давлат ички ҳаётида ҳам, ташқи сиёсатида ҳам алоҳида аҳамият касб этмади. Жумладан, жамият фуқаролари ўртасидаги муносабатлар қанчалик самимий ва илқ бўлса, умумхалқ ва умумдавлат манфаатлари йўлида бирлашиб, мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда оқилона фаолият кўрсатса, барча учун умумий вазибалар олдида шахсий масъулият ва мажбурият чуқур ҳис қилинса, бу, авваламбор, демократиянинг мамлакат ички ҳаётидаги маданияти қарор топганидан далолатдир.

Фуқаролик жамиятини барпо этишнинг халқаро тамойиллари, яъни дунё давлатлари ҳамжамияти эътироф этган йўриқлари бевоқиф фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқига эгалиги, озчиликнинг кўпчилиikka бўйсунуши, барча фуқароларнинг милаати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, сайлов ва сайланиш ҳуқуқи каби жиҳатлар билан белгиланади. Ва ўз-ўзидан савол туғилади: маълум бир мамлакатда демократиянинг жорий этишда фақат шунинг ўзи қифоя қиладими? Йўқ, албатта. Чунки, ҳар бир халқнинг ўз турмуш ва тафаккур тарзи, тарихий аънавалари, ҳаётга муносабати ва бошқа жиҳатларидан келиб чиқиб, демократияга ёндашишнинг ўзига хос усуллари қарор топади. Шу маънода Шарқда

демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди.

Ҳар бир нарсани унинг моҳиятидан келиб чиқиб, ўз номи билан мардонавор айтиш Исрол Каримовнинг сиёсий сифатларидан эди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар қандай сиёсий вазифа моҳиятан сиёсатчи зиммасига режадагиларни амалга ошириш иродаси ёки лаёқатидан иборат бўлган жавобгарлиқни юклайди.

Раҳбар ўзини «демократ», давлатини эса «демократия ороли» деб хоҳлаганча айтиши мумкин, бироқ, бу барча масалалар ўз ечимини топди, дегани эмас. Бир қатор МДХ давлатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Бизнинг бахтимиз шундаки, арзон популизм ва демократия никоби остидаги ўйинларига йўл қўймаганлигимиздир. Миллий мафкуравий ғоядан воқеликка айланган ҳақиқий демократик, очик адолатли жамият томон қўйган шахдам қадамларимиз, бу борада қўлга қиритган ютуқларимиз Ўзбекистон давлати танлаган йўл — демократик тамойиллар мазмунини ташкил этади.

Миллий давлатчилигимизнинг жаҳон цивилизациясига демократик жараёнлар ила чиқиши ҳам муаммолар ечимига муайян даражада таъсир кўрсатди. Хусусан, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон муносабатлари тўғрисида 1996 йил 21 июнда тузилган муҳим ҳужжат — шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзолалини билан демократик жараёнларга асос солинди. Мазкур Битим доирасида Европа Комиссияси Ўзбекистонда Европа Эйд (Европа қўмағи) дастурининг бир қатор лойиҳаларини молиялаштирди. Шундай лойиҳалардан бири «Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш» бўлиб, бу борада бир қатор амалий ишлар қилинди. Чунончи, лойиҳанинг

мақсади Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни, демократиянинг умумэтироф этилган принциплари асосида фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қўмаклашишдан иборатдир. Шуниси эътиборга моликиш, Эйд дастури лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг суд-ҳуқуқ масалалари ва демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари, Президент ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Буюк етакчимиз Исрол Каримов ҳар доим, миллий давлатларда демократик тамойилларни ҳаётга жорий қилиш турли йўллар воситасида амалга оширилиши, лекин унинг асосий талаби ва омили доимо шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан, эркин фикрлаш ҳамда мулоҳазаларини бемалол баён қилиш ҳуқуқини таъминлаш бўлиб, ҳар қандай давлатнинг демократик жараёнларини амалга оширишда муайян муддат талаб қилувчи ҳолат эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бунинг учун, авваламбор, демократиянинг ҳуқуқий асослари барпо қилиниши шарт. Ушбу жараёнларни сунъий равишда жиловлаб туриш ёки суръатларни жадаллаштириш илҳобий натижаларга олиб келмайди.

«Биз ривожланган демократик давлатлар фаолиятини ўрганишда давом этамиз... Шунинг учун демократия ҳақида гапирганда биз, авваламбор, энг ривожланган давлатлар қаторига кириш, энг муҳими, улар қўлга қиритган ютуқларни ўзлаштиришни назарда тутамиз», деган эди Биринчи Президентимиз миллий давлатчилик тараққиёти ҳақида сўз юритиб. Турли халқлар, турли маданиятлар, манфаатларнинг

ёнима-ён яшаш, яшай олиши фақат ҳақиқий миллий демократик шароитдагина амалга ошди. Буни биз истикболи миллий давлатимиз микёсида кўриб турибмиз!

Ўзлгини англаган халқ мустақилликка, ўз тақдирига, фарзандларининг келажагига теран ниҳот билан қарайди. Жаҳонда ўзига хос ўринга ва нуфузга эга бўлаётган Ўзбекистонимиз, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, қисқа даврда мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Мамлакатимизда юз бераётган жараёнлардан хулоса чиқариб, шунини бемалол айтганимиз мумкинки, Биринчи Президентимиз Исрол Каримов асос солган миллий давлатчилигимиз бундан кейин ҳам узокни кўзлаган дастур асосида раванқ топаверди. Буни биз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва муваффақиятли амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегияси дастури орқали янада чуқурроқ англаб етатганимиз. Зеро, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: «Энг аввало, одамларимиз ислохотлар самарасини келажакда эмас, балки бутун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур. Айнан шу мақсадда биз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяр эканмиз, салоҳият ва имкониятларимизни ҳолис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилдик. Чунки ўзимиз шу ишни қилмасак, ҳеч ким бу хатоларни четдан келиб бизга айтмайди. Биз ўз келажакимизни ўзимиз қурамиз. Бу йўлда хато қилишга ҳаққимиз йўқ».

Карим НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси профессори,
тарих фанлари доктори

Долзарб мавзу

Аёл билан уйдир чароғон

Дунёнинг турли минтақаларида нотинчликлар, диний экстремизм ва терроризм хавфи кучайиб бораётган бир пайтда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган тинчликсевар ва халқпарвар сиёсат туфайли мамлакатимизда осойишталик, барқарорлик, турли миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик таъминланаётди.

Лекин хотиржамликка берилиш ярамайди, аксинча, ҳар бир инсон янада огоҳ ва ҳушёр бўлиши, тинчликни асраб-авайлашни ўз бурчи деб билиши лозим. Айниқса, муқаддас ислом динини ниқоб қилиб, унинг ғоя ва мақсадларини нотўғри талқин этаётган ақидапараст оқимлар таъсирдан халқимиз, хусусан, ёшларни асраш энг долзарб вазифадир.

Мамлакатимизда хотин-қизларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Квоталанган иш ўринларининг ажратилиши, жамоа шартномалари орқали ишловчи аёлларга алоҳида имтиёзлар берилиши, тадбиркор аёлларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани шулар жумласидан.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мам-

лакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида аёллар жиноятчилигига барҳам берилмаётганига оғрикли масала сифатида эътиборни қаратди. Хотин-қизлар кўмиталарига бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни яна ҳам кучайтириш кераклигини таъкидлади. «Аёл нега жиноят қилади?» Давлатимиз раҳбари олдинмигга қўйган бу саволга хотин-қизлар кўмиталари ё маҳалла фаолларигина эмас, ўзини шу юрт, шу миллатга дахлдор деб билган ҳар бир фуқаро жавоб топиши, уни бартараф этиш ҳақида ўйлаши керак. Негаки, аёл — аввало, она. Онанинг ўрни эса фарзандлари ёнидадир. Айрим опа-сингилларимиз мўмай даромад илнжиди норасида фарзандини ташлаб чет элларга чиқиб кетишяпти. Оқибатда, ёшгина ниҳол меҳрив, парваришсиз қолмоқда. Ўйлаб қўрайлик, бу ҳол фарзандлар тарбиясига, уларнинг етук инсон бўлиб шаклланишига салбий таъсир кўрсатмайдими?

Чет элда ишлаб, пул жазава сига тушган айрим аёлларимизнинг эркин турмуш тарзини хоҳлаб қоллаётгани ҳам сир эмас. Улар орасида ўз турмуш ўр-

тоғи билан ажрашиш ҳолатлари ҳам кузатишмоқда. Эр ва хотин ўз йўлини топиб кетиши мумкин. Лекин фарзанднинг ота-она меҳрига зор бўлган ўқ-сик кўнглини тўлдириб бўлармикан? Тирик етим бўлиб қолган болани ким тарбия қилади? Ёмон йўللарга кириб кетишдан уни ким ҳимоялайди?

Ўтган асрнинг 90-йилларида чет элма-чет эл юриб, истаганича яшаб, истаганича пул топган аёлларимизнинг аксарияти бугун 60-70 ёшга киради. Улар орасида фарзандларнинг меҳривсизлигидан нолийдиганлар кам эмас. Ўзим емай-едирдим, киймай-кийдирдим, энди қаровсиз қолдирди, дейишди. Ваҳоланки, фарзанд тарбияси дегани бу едириб-ичириш, кийинтиришнинг ўзигинамас. Ўзимиз улғайган мухитни эслайлик. Опа-сингиллар битта қўйлаки навбати билан кийиб мактабга борган оилалар каммиди? Ота-оналаримиз бизга ҳар доим яхши ўқинглар, яхши инсон бўлинглар, деб уқтиришарди. Кийиминг ямоқ бўлса ҳам, кир бўлмасин, деб ўрга-тишарди. Ҳозир-чи, қўйлагининг битта чоки сўкилса ҳам, янгисини сотиб олиб киядиганлар кам эмас.

Момоларимиз ҳаёт кийинчиликларини матонат билан енгишган. Бугун айрим аёлларимиз арзима-ган муаммоларнинг ечимини ажримда деб билишмоқда. Ваҳоланки, ажрим ечим эмас, янги муаммо-

нинг бошланишидир. Шу боис бундай оилалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратялми. Хорижга турли мақсадларда чиқиб кетаётган ва қайтиб келган хотин-қизлар билан маҳаллалар, ички ишлар бўлими, Ёшлар иттифоқи, тиббиёт бирлашмаси ходимлари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, турли тадбирлар ўтказаятирми. Опа-сингилларимизни оиласи бағрида бўлишга, фарзандларини комил инсонлар қилиб тарбиялашга қаратялми. Мамлакатимизда инсон омилига катта эътибор қаратилаётганлигини, айниқса опа-сингилларимизнинг турмуш шароитларини яхшилаш чоралари қўрилаётганлигини жонли мисоллар ёрдамида тушунтираялми. Шаҳримизда юзлаб аёлларга паррандалар олиб берилди, тикув машиналари совға қилинди. Ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш иштиёқидагиларга имтиёзли кредитлар ажратилишига қўмақлашдик. Натижада, қўллаб оилалар ўз иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга муваффақ бўлдилар.

Бу каби чора-тадбирлар натижасида Урганч шаҳрида хорижий давлатларга турли мақсадларда чиқиб кетган 3345 нафар хотин-қиздан 1786 нафари оиласи бағрига қайтарилди. Уларга тиббий, ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, иш билан таъминлаш чоралари қўрилмоқда. Шунинг билан тутаёликки, аёл қаерда ишласин, унинг ўрни ҳамиша оиласида, фарзандлари ёнидадир.

Мунаввара ОМОНБОВА,

Урганч шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси

Муштарий сўз сўрайди

«Китобхон» викторинасида қатнашиб, икки марта фахрли 1-ўринни қўлга киритдим. Бундай муваффақиятга эришиш осон эмас, албатта. Кўпгина китобларни қайта варақладим, янгиликларини ўқидим, айниқса, миллий ва жаҳон адабиётининг дурдона намуналарини севиб мўтолаа қилдим.

МУТОЛАА — СОҒЛИҚҚА ФОЙДА

ёхуд «Китобхон» викторинаси менга нима берди?



Зир ҳам газета ва журнал, баъдий адабиётларни мўтолаа қилишни қанда қилмайди.

Яқинда китобхонлик бўйича бир-икки маълумотни ўқиб қолдим. Буюк Британияда китоб терапевти деган касб бўлиб, бундай мутахассислар мўтолаа орқали рухий муаммолар қуршовида қолган кишиларни даволашар экан. Баъзи хорижий давлатларда одамлар китоб ё газетани ўқиб бўлган, ҳибдон ёки бекатдаги ўриндиқка қўйиб кетаркан. Унинг ўрнига келиб ўтирган бошқа одам ҳам худди шундай бўлиши керакдек, беҳижолат ўқишда давом этар экан.

Викторинага йўллаган жавобларимни тўғри ва ҳолисона қаболаб, ғолиб сифатида эътироф этилганимни эшитиб, қувониб кетдим. Шу билан бирга, энг фаол иштироки деб топилдим. Бу газетани бўлган хурматимни янада оширди. Бундан кейин ҳам «Ishonch» билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланишига ишонаман.

Ноҳира ХўЖАМҚУЛОВА,

Зомин туман «Йўллардан

фойдаланиш»

унитар корхонаси касба

уюшма кўмитаси раиси

Ички туризм

Мазмунли ҳордиқ

Президентимизнинг 2017 йил 27 декабрдаги «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишламайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини қўчириш тўғрисида»ги фармони асосан ходимларнинг узлуксиз дам олиш кунларини мазмунли ташкил этиш, ички туризмни ривожлантиришга ҳисса қўиш мақсадида Бухоро вилоятидаги «Етти пир» зияратгоҳларига саёҳат ташкил этилди.

Унда Бухоро «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячилари ва энагаларидан иборат 50 нафар касба уюшмаси фаоллари иштирок этди.

Эътиборли жиҳати, вилоятимизнинг бешта туманида жойлашган ислом оламининг буюк алломалари қадамжолари бўлмиш етти пир зияратгоҳлари мустақиллик

йилларида тубдан реконструкция қилиниб, қайта тикланганлиги, ҳар бир бизгача етиб келган ушбу маънавий мерос хусусида маърузалар тингланб, инсонни қомилликка қаровчи асарлар ҳақида сўз юритилди.

— Саёҳат ходимларда катта таассурот қолдириб, юртимиз, буюк аجدодлари-



миз, шонли тарихимизга бўлган муҳаббатини янада энди қилди, — дейди Бухоро «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйининг бошланғич касба уюшмаси раиси С. Имомова.

Тўроб ҚУЛИЕВ,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

Реклама

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» MChJ мулкнинг бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2018 йил 16 феврал куни соат 11:00 да Бухоро шаҳар, Мус-таклилик қўчаси, 10-уй ман-зида ўтказиладиган савдо-ларга «O'ZBEKGEOFIZIKA» АК, «BUXORO GEOFIZIKA EKSPEDITSIYASI» филиалининг 12.01.2018 йилдаги 01-24-сонли бу-юртмасига асосан филиал ҳисоби-да 1-ЛОТ. бошланғич баҳоси 19 875 883 (ун тўққиз миллион саккиз юз етмиш беш минг саккиз юз саксон уч) сўм бўлган, Когон тумани Геофизика м.ф.й., Геологлар қўчаси манзилида жойлашган, умумий ер майдони 223,0 кв.метр, қури-лиш майдони 49,4 кв.метрдан иборат Кафе (ойхона) биноси; 2-ЛОТ. бошланғич баҳоси 20 550 260 (йигирма миллион беш юз эллик минг икки юз олтиш) сўм бўлган, Ко-гон тумани Геофизика м.ф.й., Бир-

лик қўчаси манзилида жойлашган, умумий ер майдони 504,0 кв.метр, қурилиш майдони 415,3 кв.метрдан иборат теннис майдончаси иншо-оти лот тартибида қўйилмоқда.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига.

16.02.2018 йилда аукцион бў-либ лот бўйича 23.02.2018 ва 02.03.2018 йилда аукцион савдоси такроран ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомана «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш қунари 16.02.2018 йилдаги савдо учун 15.02.2018 йилга қар-дар, 23.02.2018 йилдаги савдо учун 22.02.2018 йилга қалар, 02.03.2018 йилдаги савдо учун 01.03.2018 йилга қалар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида ишти-рок этиш истагида бўлган та-лабгорлар «Аукцион ташкилот-чиси» билан закатат пули тўғри-сидаги келишув шартномасини тузиб, мулк бошланғич бахо-сидан 15 фоиз микдорда зака-лат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқлан-ган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 20 кунлик муддат ичида ол-ди-сотди шартномасини ту-зиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати ол-

ди-сотди шартномаси тузил-ганда белгиланади.

Заказат тўлови учун рекви-зитлар: «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» MChJ, х/р: 20208000700759233002, АТБ Кишлоқ қурилиш банк БВМФ, МФО: 00115, СТИР: 304815549.

Буюртманомаларни қабул ки-лиш ёки объект билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» MChJ.

Манзил: Бухоро шаҳар, Му-стаклилик қўчаси, 10-уй, 4-қават, 405-хона. Лицензия: RR-0297.

Интернетдаги манзилимиз: E-mail: kmfi_auksion@mail.ru. тел: (0-365) 221-59-24.

Хизматлар лицензияланган.



Хавфсизлик бўйича дунёда етакчи

Австралиянинг «Qantas» авиакомпанияси дунёдаги энг хавфсиз авиакомпания деб топилди. Қучли йигир-маталикдан Финляндия-нинг Finnair, Германиянинг Lufthansa, Скандинавиянинг SAS компаниялари ўрин олган.

Авиакомпаниялар само-лётларини ишлатиш муд-дати, ўтган йилдаги ави-аходисалар сони, инновациялар, ҳукумат томонидан хавфсизлик юзасидан ўтказилган текширувлар сони ва бошқа омилларга қараб баҳоланган.

Хавфсизлик бўйича дунёда етакчилик қилувчи «Qantas» авиа-компаниясида сўнгги 60 йил ичида ўлим билан боғлиқ бирорта ҳам хо-лат қайд этилмаган.

Сайёрамизнинг энг кучли «шахматчиси»

AlphaZero сунъий онг ти-зими 4 соат давомида дунё-даги энг кучли шахмат дас-тури Stockfish 8 ни мағлуб этди. Қизиги, тизим Stockfish 8 билан ўтказилган мусо-бақадан олдин шахмат ҳақида деярли ҳеч нарса билмаган, у фақатгина дон-лар қандай юра олишидан хабардор бўлган.

Энди AlphaZero сайёрамизнинг энг кучли «шахматчиси»га ай-ланди. Deepmind компанияси томонидан яратилган ушбу тизим му-собақада ўйналган 100 та партиядан бирортасини ютказмади.

AlphaZero 4 соат ичида шахмат ўй-нашни ўрганиб олди, деган фикрга ке-лиш мумкин. Аниқроғи, тизим 4 соат ичида шахмат бўйича мулак чемпион бўлишни ўрганиб олган. Мусобақа бошланганда, сунъий онг фақатгина донлар қандай юра олишини билган. У қўллаб-қувватлаш алгоритми, нейро-тармок билан «қуролланиб», ўзи билан ўзи ўйнай бошлаган ва партия сайин малакаси ошиб борган. Агар инсон ту-шунчасидаги вақт билан ўлчанса, у шу 4 соат ичида 765 1400 йил шахмат ўйнагандек бўлган. Тизим бир соияда 800 мингта позицияни қайта ишлаши мумкин, Stockfish 8 эса бир соияда 70 миллионга юришни амалга ошира олади.

Интернет хабарлари асосида Ж.ЭРГАШЕВ тайёрлади.

ЭЪЛОН

«SOUND-MEAL TASTE» МЧЖга қарашли умумий ер май-дони 0,3 гектар бўлган қурилиш тугалланмаган «Савдо маиший хиз-мат кўрсатиш мажмуаси» сотилади.

Манзил: Сергели тумани, Янги Сергели ва Меҳригўё қўчалари ке-сишуви, 116-уй. Тел: (+99890) 989-00-63, (+99871) 241-95-00.

Хизматлар лицензияланган.

Г.В.Плеханов номидаги Рос-сия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали жа-моаси ҳамда касба уюшма кўми-таси «Молия ва кредит» кафедраси доценти

Римма БАДАМОВАнинг вафоти муносабати билан унинг яқинларига ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin RIXSIYEV

Tahrir hay'ati:

Abdullaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalimov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshov

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Elektron nashr va AKT — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi. Korxona manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Tahririyat hisob raqami:

2021 0000 0004 3052 7001,
ATB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKDON: 87100

Hududlardagi muxbirlar:

Qorag'alpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:

A. Toshev
Navbatchi:
S. Abdurahmonov
Musahhil:
S. Shodiyeva
Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti — 21:30
Topshirishi — 22:00
12 156
Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Buyurtma A — 109.
31639 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatichi: 133